O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING XUSUSIYLASHTIRISH, MONOPOLIYADAN CHIQARISH VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI

QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORINI MUVOFIQLASHTIRISH VA RIVOJLANTIRISH MARKAZI TOSHKENT SHAHAR HUDUDIY BOSHQARMASI

THE STATE COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR PRIVATIZATION, DEMONOPOLIZATION AND DEVELOPMENT OF COMPETITION

CENTER FOR COORDINATION AND DEVELOPMENT OF SECURITIES MARKET TASHKENT CITY REGIONAL DEPARTMENT

100047, Toshkent shahar, Buxoro ko'chasi, 10 uy 10, Buxoro street, Tashkent city, Uzbekistan, 100047

Tel. (Fax): 998 (71) 233-41-72 www.csm.gov.uz e-mail: tashkent@csm.gov.uz

«28» 07 2016 yil № 9A-32

# Қ А Р О Р

“O’ZNEFTGAZINFORMATIKA” aksiyadorlik jamiyatining 2016 йил 13 июлдаги 1/690-сонли аризаси ҳамда Адлия вазирлигида 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатдан ўтган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари”нинг 100-бандига асосан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “O’ZNEFTGAZINFORMATIKA” aksiyadorlik jamiyatining 2016 йил 1 апрелда Q0263-4–сон билан рўйхатга олинган акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилиши муносабати билан акциялар чиқарилувини Қимматли қоғозлар ягона давлат реестридан чиқариш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги инобатга олинсин:

- жамиятнинг акциялар чиқарилувини бекор қилиш тўғрисидаги аризаси;
- “O’ZNEFTGAZINFORMATIKA” aksiyadorlik jamiyatining 2016 йил 1 апрелда Q0263-4–сон билан рўйхатга олинган акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласи, уларга киритилган ва 2016 йил 29 апрелда Q-41–сон билан, 2016 йил 30 майда Q-41–сон билан рўйхатга олинган ўзгартиришлар матнининг асл нусхалари;
- қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топилганлиги тўғрисидаги “Biznes-Daily” газетасининг 2016 йил 12 июлдаги 79 (2098)–сонида берилган эълон нусхаси;
- ушбу чиқарилишнинг барча қимматли қоғозлари эмитентнинг эмиссия ҳисобварағида мавжудлигини тасдиқловчи “Kapital-Depozit” масъулияти чекланаган жамият томонидан берилган эмитентнинг эмиссия ҳисобварағидан 2016 йил 01 июл ҳолатига берилган кўчирма.

2. “O’ZNEFTGAZINFORMATIKA” aksiyadorlik jamiyatining 2016 йил 1 апрелда Q0263-4–сон билан давлат рўйхатига олинган номинал қиймати 1000 сўм бўлган 108 587 дона оддий, умумий қиймати 108 587 000 сўмлик акциялари ва RU104Q0263T9 миллий идентификация рақами бекор қилинсин.

3. Ахборотни ошкора қилинишини таҳлил ва назорат қилиш бўлими:

- “O’ZNEFTGAZINFORMATIKA” aksiyadorlik jamiyatiнинг Q0263-4–сонли акциялар чиқарилуви ва RU104Q0263T9 миллий идентификация рақами бекор қилинганлиги тўғрисида Қимматли қоғозлар чиқарилуви ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритсин;

- ушбу қарорнинг бир нусхаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига, бир нусхаси “O’ZNEFTGAZINFORMATIKA” aksiyadorlik jamiyatiга берилсин.

4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси қонунчиликда ўрнатилган тартибда “O’ZNEFTGAZINFORMATIKA” aksiyadorlik jamiyatiнинг 2016 йил 1 апрелда Q0263-4–сон билан рўйхатга олинган акцияларини депо ҳисобидан чиқарилишини таъминласин.

5. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ахборотни ошкора қилинишини таҳлил ва назорат қилиш бўлимига юклатилсин.

**Бошқарма бошлиғи** **Б.Шакиров**